



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 27 (20. 594) • 1990 йил 1 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

• Диққат, янгилик! ҚЎЛ ЎРНИГА ЭЛЕКТР ТОКИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти мутахасссларининг ишланмаси бўзларни чеканка қилишни тевлаштириш имконини беради.

Коллектив А. Мухаммадиев ва Т. Байзакв бошчилигида тўрт қаторли электр чеканка мосламасини яратди.

Мослама ўзанинг бутун юқори қисмини чеканкалаш имконини беради. Бунда ўсимликка электр токи билан кучсиз таъсир ўтказилади. Бу эса кўсаларнинг медал очилишини барқарорлаштирилади. Маъзур қурилмадан дефоляция ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, янгиликнинг жорий этилиши деҳқонларга ҳар гектар ердан йилга 190 сумдан маблағни тежаш имконини беради.

[ЎЗАТ].

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

276-Заркент сайлов округининг сайловчилари шу округдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов билан учрашди. Учрашувлар Янгиқўрган районининг Заркент ва Нанай қишлоқларида, «Галаба» совхозида бўлиб ўтди.

Депутатликка номзод ўзининг сиёсий ҳаракат дустури Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловига ҳаракат дустури билан узвий боғланганлигини айтди. У республика партия, давлат органлари Ўзбекистон ССР итисодийни барқарорлаштириш, деҳқонларга катта ҳуқуқлар ва замин соҳиби бўлиш имкониятини бериш юзасидан катта ишлар олиб бораётганлигини сўзлаб берди. Итисодий ва илтимой тадбирлардан асосий мақсад — халқ фаровонлигини ошириш, меҳнаткаш инсоннинг барча нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондириш, унинг умумий ишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат. Халқ депутатлари Советлари олдидан мана шу масалаларни ҳал этиш борисида катта вазифалар турибди.

Учрашувларда сайловчилар халқ депутатлигига номзодга нақазлар бердилар. Улар районни сув билан таъминлаш, ерларни суғоришни яхшилаш, қишлоқларни газлаштириш, саннат корхоналари филиалларини қуриш масалаларига тааллуқли эди.

М. И. Иброҳимов кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди. Республика халқ депутатлиги сайланган тақдирда сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун барча ишларни қилиш тўғрисида учрашув қатнашчиларига ваъда берди.

Учрашувларда Наманган области партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Наманган области ижроия комитетининг раиси Б. И. Ҳақимов иштирок этдилар.

[ЎЗАТ].



ЎҚУВ САВИЯСИ ОШМОҚДА

«Средазим» ишлаб чиқариш бирлашмасига қаршили «Ўзбекхиммаш» заводидан партия ўқув системасидоги машғулотлар юқори савияда ўтказилаётди. 15 та сиёсий мактабда 300 дан ортиқ тингловчи шугулланаётди. Мактабларда тажрибали пропагандачилар иш олиб боришади. Заводнинг бош механиги, партия комитетининг аъзоси Жўрабек Мирзоев ана шундай яхши ташвиқотчилардан биридир. У механика-энергетика хизмати партия ташкилоти ҳузуридаги партия ўқув мактабидан машғулотлар ўтказди.

Суратда: моҳир пропагандист Жўрабек Мирзоев.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ҚАРШИЛИК НОВВОЙЛАР

«Қаршиқлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Чунки улар ширин қалачалар ва ширини тешиқчуларга тейёрлаш бошлади. Бу ерда янги технологик линия ишга тушди. Ҳозирги пайтда бирлашмада маҳсулот турлари кўпайди, улар 54 хил номда тайёрланаётди. Яна бир технологик линия ишга тушган, йил охирига қадар яна олти хил маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйлади.

Суратда: ширин қалачалар тайёрлаш пайти. Корхона ишчиси Манзура Тўрдиева ва технолог Мўмина Юнусова.

Ш. ШАРПОВ сурати [ЎЗАТ].

Ҳалол ва холис беллашаётганлар

Хонқа районидоги 465-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига икки бригада бошлиғи — «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Зулфия Иброҳимова, «Ленинград» колхозидан Жумагул Қуромбоеваларнинг номзодлари кўрсатилган. Улар районнинг икки илғор пахтакори, эл дарди-ташвишини енгиллаштириш учун тиниб-тинчимайдиган, обрўли, сўзи билан иш бир, айна кезде меҳрибон ва муниб онахонлар. Ҳозир улар ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишга, ҳаракат дустурларини айтиб беришга қўйишди. Қўйда ҳар иккала номзоднинг программаси эътиборингизга ҳавола этилаётди.

лар ишончини оқлаш, улар ҳаётида зарур ва муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш меннинг энг асосий мақсадимдир.

Қишлоқдаги социал аҳволни тубдан яхшилаш лозим. Янги маданий-маиший объеклар, мактаблар, савдо шаҳобчалари бунёд этиш керак. Чунки қўпчилик қишлоқда римизда меҳнаткашларнинг умумий машаққатли меҳнатдан кейин коллектив бўлиб мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитлар йўқ. Айрим жойларда бор имкониятдан ҳам фойдаланишча фойдаланилмади. Кутубхоналарнинг кўчирилиши тор хоналарда жойлашган бўлиб, уларда маданий меросимизни ўқувчилар ўртасида кенг-кўпроқ тарқатиш имконини йўқ. 50 миллион маданиятнинг ва ўзинини билмай туриб эса киши ўзинини англай олмайди. Шундай экан, маънавий дурдоналар жамланган кутубхоналарнинг ёруғ, озода бинолар билан таъминлаш зарур. Шу билан бирга қишлоқ ўқувчиларининг бир сменада таълим олишларига эришишни ўз бурчим деб биламан.

МАҚСАД БИР, МУЛОҲАЗАЛАР ЎЗГАЧА

ЗУЛФИЯ ИБРОҲИМОВА:

Мамлакатимизда қайта қуриш кенг жабода қўл оқлашди. Меҳнаткашлар ижодий ўзгаришларга олти мунасабатда бўлишляпти. Улар ҳаётидаги қувонч ва ташвишларини баралла айтганган бўлиб қолишди. Шунингдек ошқоралик, демократия тобора чуқур илдиз отмоқда. Бу Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларнинг кўрсатишига ҳам ўз аксини топти. Менга ва Жумагул Қуромбоева округимиз сайловчилари юксак ишонч билдиришди номзодликка тавсия этишган. Бунга катта шараф ва масъулият деб тушунаман. Агар мени депутатликка сайлашса, халқ ишончини оқлашга, бор кучим ва билимимни сарфлашга ҳаракат қиламан. Биринчи навбатда хотин-қизларнинг, айниқса қишлоқ аёлларининг яшаш, ишлаш ва турмуш шароитларини яхшилашга эътиборини йўналтириш зарур. Чунки барча оғир юмушлар улар зиммасида эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Масалан, пилла етиштиришдек машаққатли меҳнатни олайлик. Бунинг учун аёлларимиз бир ой давомида олисан, бола чақаси билан тийим билмайди. Тонг саҳар уйғониб, ярим тунгача мижга қоқмайди. Ҳатто иссиқ уйини ипак қурти боқишга бўзатиб беради. Оғир меҳнат эвазига оладиган даромад бўлса жуда кам. Шу боисдан ҳам муаммонини ҳал этишни депутатлар қатъий равишда кун тартибига қўйиши керак деб ўйлайман.

Кўп болали оналарни, ёш хотин-қизларни иш билан таъминлаш, меҳнат ҳақини ошириш долзарб вазифалардан бири. Иш шароитларини яхшилаш, меҳнат отқувчиларини узайтириш масалаларини ҳам ҳал қилиш вақти етди.

Биз қўпчи ҳама нарса болаларга деган шир билан

Маълумки, яқинда ўтказилган медицина кўригида районимиз кишилари ўртасида, айниқса аёлларда кам-қонлик касали кўпубай кузатилади. Табиат неъматларини кўпубай етиштириш асосида бундай касаллик юзага келишининг олдини олиш мумкин.

Бунинг учун қишлоқларда камбемб мевали дарахтларни кўпайтириш керак. Чунки Ҳозирги пайтда анжир, анор, шотут, жийда, беҳи каби шифобахш мевали дарахтлар ҳар бир хонадонда ҳам учравермайди. Айна кезде шифобахш мевали дарахтларини кўпайтиришга эътиборини қўйиш керак.

Унга қарши курашда уни келтириб чиқарувчи омиллар билан ҳисоблашмаслик асло мумкин эмас. Ўзининг шароитимизда бу ишсизлик, иккиликбозлик билан боғлиқ, шу боис ёш-яланларни иш билан таъминлашга, уларнинг ҳордиқ соатларни маъмурият ўтказилишига катта диққат-эътибор бериш лозим бўлади.

Ҳозирги пайтда кишилар ўртасида меҳнатнинг намайиб бораётганлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда. Лекин бунинг сабабларини тегиз ўрнатилган кун қўйишнинг бора-борасида кўзга кўринарли иш қилинмайди. Фақат шорлар, қазириқлар ва баландравоз гаплар билан бунга эришиб бўлмайди. Оқибатда айрим регионларда фискал ҳоллар юз берди. Шундай экан, халқлар дўстлигини, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳар биримизнинг мунасабат бурчимизга айланиши зарур. Агар депутатликка сайлансан миллиятларо тинч-тотувчиликни қарор топирин йўлда куч-ғайратимини аямаяман.

И Ш О Н Ч

Риштон агросаноат ишлаб чиқариш комбинати бош директори Аркадий Григорьевич Аветисов номзоди кўрсатилган 433-Риштон сайлов округидан 6 нафар номзод рўйхатга олинган. Унинг сайловдаги ҳаракат программасида комбинатнинг маънавий ривожлантириш масалалари ҳам фойдаланиш. Чунки қўпчилик навбатдаги беш йилликда қўпчилик ишлаб чиқариш кўпчилиги 2-2,5 ҳиссага ошириш кўзда тутилган. Навабкорликнинг кўпчилиги йил-йили бинолар, мактаб, хунар-техника билим юрти, маданият саройи, шифона ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилишига эришиш белгилашди. Энг муҳим, номзоднинг ҳаракат дустури амалга ошса, қилинадиган ишлар бутун районга хизмат қилиши турган гап. Бунинг сайловчиларга айтиш керак.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод А. Г. Аветисов сайловчилар билан суҳбатлашмоқда.

Айна кенгаш аъзолари янги тақлиф билан чиқиди. Яъни заводимиздаги бир қатор бўлинмаларни, жумладан ремонт хизматини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш зарур деган тақлиф илгари сурилди. Бу аслида янгилик эмас, чунки ҳама жойда бригадалар, устакалар хўжалик ҳисобига ўтмоқда. Лекин биз бу ишга бутунлай бошқача йўлдан бораётган эдик.

Биринчи бор корхонамизда ремонтчи ва энергетикларга меҳнатни илмий жиҳатдан асосланган норма асосида ҳақ тўлаш жорий қилинди. Яъни уларга — аввалгидек қанча дастагоҳи ремонт қилишга қараб эмас — балки ремонт учун ажратилган маблағни тўғридан-тўғри

• Ташаббускорлик... Ҳўш, ушбу сўз замирида нималар ётипти? Қандай қилиб ташаббусни юзага келтириш мумкин? СССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областлари аҳолисини иш билан тўла таъминлаш ҳақида яқинда қабул қилган қарори андижонликларни ҳам меҳнатда янги ташаббусларга руҳлантиряпти.

И ҚИСОДИЙ ислохот шароитида рақамларсиз фикрингизни тугал ифода қилинмайди. Бизга икки йилдан бунёд юқори идоралар йилга 1 миллион 350 минг сумлик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш вақтинчалик қилинади. Бинобарин, ана шунга яраша металл, хом ашё ва бошқа комплектовчи деталлар лимити ажратилди.

Бир қарашда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириши учун ҳеч наъдай «тўйуқ» йўқдек. Қолаверса, ойлик иш ҳақи фонди ҳам олдиндан маълум. Демак, ташаббус билан чиқаришнинг ўзи ортиқчадек қўринадди. Ойлик иш ҳақи шунга уел билан кўп йиллар давомида одамларимизни ташаббуссиз қилиб қўйди. Ҳаттоки, бунинг учун жозаландик ҳам.

Узингиз ўйлаб кўринг, олдинда истиқбол бўлмаса одамлар қандай қилиб ташаббус кўрсатишсин. Қолгандекимиз қар қалай ана шу анъанани парчалашга муассар бўлди. Ҳўш... биз қандай қилиб қатъий белгилаб қўйилган лимитлар исқонкасидан қутулдик?

1988 йилда заводимизда 1 миллион 900 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йил эса 2,5 миллион сумлик маҳсулот тайёрланди. Шунинг таъкидлаб қўйиб, корхонамиз илмий планни олти ойдаёқ бажариб қўйди. Агар одамлар ташаббускорликка намоён қилмаганимизда бундай ўсишга эришмаган бўлардик.

Биз ишни намайидан бошладик? Ҳўжалик ҳисобига ўтилган, корхонамизда меҳнат коллективни кенгашини тўздиқ. Кенгаш корхонамизда меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ташкилотчиси ва ташаббускори бўлиб қолди. Унга жуда катта ваколат берилди. Кенгаш қарорини бажаришга ишдан тортди бўлиб директорга мажбур. Илгари ишлаб чиқаришни бошқариш билан фақат маъмурият шугулланган бўлса, энди меҳнат коллективни кенгаши бу вазифани ўз зиммасига олди. Ҳар қалай кенгаши тўй тарқамас, деб беизни айтишмас экан.

Айна кенгаш аъзолари янги тақлиф билан чиқиди. Яъни заводимиздаги бир қатор бўлинмаларни, жумладан ремонт хизматини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш зарур деган тақлиф илгари сурилди. Бу аслида янгилик эмас, чунки ҳама жойда бригадалар, устакалар хўжалик ҳисобига ўтмоқда. Лекин биз бу ишга бутунлай бошқача йўлдан бораётган эдик.

Меҳнат коллективни кенгаши бригадаларда меҳнатни ташкил этишда ҳам янги тақлифни илгари сурди. Авваллари ҳар бир бригадда ўртача 20-25 киши ишларди. Жиддий таҳлил қилиб кўри-

ганда, биз учун бу номақбул бўлиб чиқди. Чунки, заводимизда кўпгина маҳсулотлар оз миқдорда тайёрланади. Бунинг устига ишлаб чиқариш жараёни босқичма-босқич амалга оширилгани учун кўп ҳолларда сменалар аралаш қолган ишчилар туш-ликлан кейин иш билан таъминланади. Шунинг учун ҳам биз бригадаларни ўртача 6-8 кишидан иборат қилиб қайта тўздик. Бригадалар ҳам ўзининг ҳафталик, ойлик иш программасини олдиндан белгилайди. Уларга ҳеч ким қандай ишлаш кераклиги ҳақида буюрқ бермайди. Тўла мустақиллик шароитида бригадалар илгари ҳафта келмаган резерваларни ишга туширишмоқда.

Яна бир янгилик шунки, бизда анъанавий пропуска системасидан воз келинди. Бинобарин, меҳнатни тўғри

қўлидан берди. Бу аслида осон эмас. Лекин ишга янгича ёндашилса, кўпгина муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги бизга ойдин бўлиб қолди.

Ҳўжалик ҳисобига ўтилган, бизда ишчи ўрни камаймади. Аксинча 80 киши орти. Ойлик иш ҳақи эса завод бўйича ўртача 420 сумни ташкил этмоқда. Маҳаллий ишчилар 700-800 сумга етакшиб иш ҳақи олишляпти. Фойда олиш эса кўпаймоқда. Биз олдинги фойданинг 30 процентини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ишчиларни рағбатлантиришга, социал масалаларни ҳал этишга сарфламоқдамиз. Бу йил 8 та коттеж уй қуриш кўзда тутилмоқда.

Мутахасссларимиз шундай ҳисоб-китоб қилиб кўридик: агар олдинги фойдани коллективимиз ўз эҳтиёжи учун тўла ишлатиш ҳуқуқига эга бўлса, яъни ўн йилга янгида коллективимизда ишлаётган ҳар бир кишини алоҳида коттеж уй, автомашина, юқори иш ҳақи билан таъминлаш мумкин экан. Демак, ҳамма гап коллективда ўз-ўзини қийинлаштиришга бўшқариш учун имконият яратишда қолган.

Айна пайтда заводимиз учун қўшимча буюртмалар қилириб топилмоқда. Эътибор беринг-а, кўпгина корхоналарда иложи борича буюртмаларни қамайтириш учун ҳаракат қилинаётган бир пайтда биз буюртмаларини ошириш йўллари қилириб топилмади. Бинобарин, буюртмаларни бажариш йўлида илмий ҳам кучаймоқда. Масалан, В. Кришюкин бригадаси «УНД 200/5» насосини реконструкция қилишни ўз зиммасига олди. Уларга конструкторлар ва технололар байқонилди қўйишди. Атиги ярим йил ичида маъзур иш ниҳоятга етказилди. Тармоқ илмий-тадқиқот институти томонидан бу иш натижаси юқори баҳоланди.

Юқоридоғилардан кўринадики, завод маъмурияти қўйида бошланган ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан бевосита манфаатдор. Мана шундай йўлда, манфаатдорлик меҳнат уюмдорлигини сезиларли даражада оширди. Фойда олиш пландагига нисбатан 1,5 баробарга кўпайди. Хулоса қилиб айтганда бўлсам, тўла мустақиллик муваффақиятлар таровин!

К. ЗИЕВ,
Андижон тажриба-механика заводининг директори.

Дунё ОВОЗИ



Хитой ҳукуматининг қатъий қарори

ПЕКИН. Хитой бундан бунёд ишохот ва ташқи дунёд билан алоқаларни кенгайтириш сиёсатини ўтказишга содиқ бўлиб қолиши ҳуусидоги шубҳалар асосланмади. ХПКнинг мана шу сиёсати ўзгармайди, деди ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси Цяо Ши. У Жанубий Хитойнинг Гундун вилояти меҳнатчиларни ҳузурида сўзга чиқиб, «хўжалик фаолиятини яхшилаш ва мамлакат иқтисодиётида тартиб ўрнатилишга қаратилган йўл амалга оширишга бошланганлиги муносабати билан ислохот сиёсати ўзгармади, деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини айтди.

Янги имкониятларни излаб

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр БМТнинг Ливандоги муваққат кучлари мандати узайтирилишини ёқлаб гапирди. Унинг бу ерда тарқатилган докладыда айтилишича, мажбурий ҳаёт шартларида конституцион ҳокимият тикланиши ана шу кучлар мандатини бажаришда силжияти эришиш учун янги имкониятларни вузудга келтириши, деб ишонч биландирларди.

Синов пайтидаги ҳалокат

Канада ҳарбий-ҳаво кучларининг ЦФ-18 кирувчи самолёти душман кучи Американинг қанотли ракетасини навабатдаги синовдан ўтказиш чоғида ҳалокатга учради. Самолёт ракетани тутишга олд операцияни бажариши керак эди. Самолёт Индуви ёшиқоқ ли-гарбий территорияга яқинлигида аэдродромдан учини биланок қулаб тушди. Ҳалокатнинг сабаби ва учувчининг тақдирини ҳозирча номаълум. Американинг қанотли ракеталари бу ерда 1984 йилдан бери синб кўрилмади. Синов 1986 йилда икки марта муваффақиятлар таровин!

[ТАСС].

Ўзбекистон Компартияси ишчилар, қолхозчилар, зиёлилар, меҳнаткашларнинг барча тоғфалари ташаббускорлиги ва омилдорлигини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайверади, ҳар бир меҳнаткаш амалда ишлаб чиқариш соҳиб бўлиб қолишига эришиш учун ҳаракат қилаверади.

(Ўзбекистон Компартияси сайловдаги ҳаракат дустуридан).

КПСС Устава ҳақида

ИЛДИЗИГА БОҚИШ КЕРАК

Ингирма йилдан буён партия аъзосидан. Тара- ремонт заводида оддий ишчи бўлиб ишлаётган. Коммунист сифатида партия аъзолари бадалларини вафтида тулаб, партия йилгишларида қандай қилмай қатнашиб тураман. Ана шу йилгишларда ўтириб, нотинчларнинг нутқларини эшитиб ёки ён-атрофимдаги коммунистларнинг иши ва юриш-туришини кузатар эканман, бир фикр тез-тез хаёлимдан ўтаётган бўлиб қолди: ҳўш, коммунистнинг вазифаси фақат аъзолик бадалларини тулаб, йилгишда қатнашишдан, нари борса йилда бир-икки марта музокарага чиқиб, фикр билдиришдан иборатми? Ахир ҳаммамиз ҳам партия аъзолигига киритилганимизда КПСС Уставини ўқиб, партия аъзолари, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари нимага қарата иборат эканлигини ёд қилиб юборган эдик-ку? Нима учун ҳозир кўп коммунистлар ана шу ҳуқуқ ва вазифаларини осдан чиқариб қўйишди? Ўзга эътиборини баъзи коммунистлар КПСС Уставига амал қилмасалар ҳам бунга кўрмагандек ва билмагандек кўз юмиб юраверамиз. Мен ана шулар ҳақида ўйлар эканман, бундай ноҳўш воқеаларга бошланғич партия ташкилот-

лари ва улар билан яқиндан иш олиб бориш лозим бўлган район ва шаҳар партия комитетлари фаолиятларидаги расмийчилик, қозғоз-бозил ва бошқа «лик-лик»лар сабаб бўлмаётганини, деган фикрга бораман.
Мана, масалан, ушбу йилгирига йиллик фаолиятим даврида бошланғич ташкилот бюроси аъзоларидан бўлиб бирор коммунистнинг ўз ташкилоти иши билан яқиндан шўғулланганини кўрмадим. Бюро аъзоллигига эса кўпича раҳбар ходимлар, эътиборлар, жумладан, инженер-техник ходимлар сайлашди, бир-икки нафар оддий ишчинини улар сафига киритилди. Бу ҳам бўлса расмийчилик учун бўлди. Қанибу ерда партия ташкилотининг ўз аъзолари фаолияти ва ташаббускорлигини ошириш борасидаги ҳамхўрлиги? Ахир КПСС XXVII съезидан «Коммунистларнинг авангардлик роли умумий гап эмас. Бу нарса амалий ишларда ифодаланади» деб ёзиб қўйилган ва шу вазифага амал қилиш ҳар бир коммунистнинггина эмас, ҳар бир партия ташкилотининг ҳам бурчи-ку?

Ҳозир матбуотда партиявий ишлардаги муаммолардан яна бири — пенсияга чиққан коммунистларнинг ўз партия ташкилотлари фаолиятида иштирок этишлари тўғрисида ҳар хил фикрлар билдирилди. Ҳақиқатан ҳам пенсияга чиққан партия аъзолари ахё-ахёндагина аъзолик бадалларини тўлаш учун келмасалар, бошқа пайтда улар партия ташкилоти ишида қатнаша олмайдилар, ҳатто партия йилгишида ҳам иштирок этмайдилар, тўғрисида, улар партия ташкилотининг қандайдик ҳаётидан узилиб қолдилар. Бу — ҳаммага маълум оддий ҳақиқат. Шундай экан, уларнинг тажриба ва имкониятларидан кўпроқ маҳалла ва бошқа истиқомат жойларидаги тарбиявий ишларда фойдаланилгани маъқул эмасми?

ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

МЕНИМЧА, партия ташкилотининг обрўсини кўтариш учун энг аввало ана шу ташкилот раҳбарининг обрўси ҳақида ўйлаш керак. Айтайлик, автоконтра-на бошлиғи шу корхонада биринчи шахс ҳисобланади. Колоннада ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган шофёр эса гарчи партия ташкилоти секретари бўлса-да, кишилар биринчи галда унга эмас, балки моддий жавобгар шахс ва раҳбар ҳисобланган автоконтра бошлиғига мурожаат қиладилар. Тўғри, агар партия ташкилоти секретари саводхон бўлса чиройли қарорлар, қондалар ёзиши, партия ҳужжатлари билан ишларни яхши йўлга қўйиш мумкин. Лекин бу ҳам амалда ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Барибир қол-қолда ҳамма мурожаат қилганда шахс — корхона раҳбари бўлиб қолаверади. Чунки одамлар ҳозир умумий гапларни эмас, амалий ишларни эътироф этади. Шундай экан, ҳўжалик ва партия ташкилотига раҳбарликни бир киши қўлига бериб қўйилса, бундан фаяда нима фойда келиши мумкин. Шунда партия ташкилотининг обрўси ҳам ошади. Мен бу таклифни яна шунинг учун ҳам айтаялганман, шу кунгача партия Марказий Комитети Сийёсий бюросидан то район партия комитетигача уларнинг раҳбарлари фикри албатта ижро этилиши керак бўлган вафиза деб ҳисобланад келди. Бошланғич партия ташкилотига келиб эса, шу ташкилот секретарининг эмас, балки партиясиз бўлса ҳам коллектив раҳбарининг фик-

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Хоразм область партия ташкилоти фаолларининг 30 январь кунин Урганчада бўлиб ўтган йилгишида социалистик қонунчилигини мустаҳкамлаш, граждандар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш юзасидан область партия, совет ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари муҳокима қилинди.

Область партия комитетининг пленуми

Урганчада Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.
Э. А. Раҳмонов Хива район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.
Бир неча номзод орасидан «Хоразм ҳақиқати» газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган Э. Самандаров Хоразм область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди. (ЎзТАГ).

«КОСМОС—2058» УЧИРИЛДИ

1990 йил 30 январь кунин Совет Иттифоқда «Қишлоқ учурчилик рақаси билан Ернинг навбатдаги сўйиш йўли» — «Космос-2058» учирилди. (ТАСС).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий Комитетнинг секретари А. Н. Гиренко яқинда кунин Бокудан қайтиб келди. 30 январь кунин эса «Правда» газетаси тахрир ҳайъатининг мажлислар залда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда марказий комитетнинг ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда марказий комитетнинг ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. (ТАСС).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий Комитетнинг секретари А. Н. Гиренко яқинда кунин Бокудан қайтиб келди. 30 январь кунин эса «Правда» газетаси тахрир ҳайъатининг мажлислар залда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда марказий комитетнинг ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. (ТАСС).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий Комитетнинг секретари А. Н. Гиренко яқинда кунин Бокудан қайтиб келди. 30 январь кунин эса «Правда» газетаси тахрир ҳайъатининг мажлислар залда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда марказий комитетнинг ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. (ТАСС).

МЕХНАТ КОЛЕКТИВЛАРИДА

АНДИЖОН. Москва районидики «Октябрь» колхозининг тажрибали буржубоқлари Султонбой Холматов ўтган йилнинг 63 фаслида 150 бош новосини иккарага олиб боқиб бошлаганди. Ҳар бир қорамолни зооветеринария қондалари асосида парвариш қилди. Натижда яхши етилган 50 бош қорамол гўштини эл дастурхонга етказиб берди. Буларнинг ҳаммаси 22,8 тонна тош босди. Ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 456 килограммни ташкил этди. Айни пайтда давлатга гўшт топшириш давом этмоқда.
* * *
Хўжабод районидики «Россия» колхоз трактор паркида иш қилгани. Я. Тўхтаев, Х. Холқов, А. Екубоев ва бошқа ремонтчилар астойдил меҳнат қилиб, техникани мавсумга созламоқдалар. Илгорларнинг нияти — февралнинг дастлабки кунларига бarcha техникани кўн-ламга шайлаш.
* * *
К. БУТАБОВ. Балқиччи райони деҳқонлари бу йил она-Ватан хазинасига қандай 47 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Шу мақсадда дала ишларини ҳазирданок қизитиб юборишди. Маҳаллий ўғитлар чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, дала-ларга яқоб суви бериш ишлари қилгани. Техника ремонтини ҳам кўнгидагидек олиб бори-моқда.
* * *
С. ЯГИТАЛИЕВ.
* * *
САМАРҚАНД. Иштихон районидики Навоий номили колхоз пахтакорлари районда биринчи бўлиб ариқ-зовурларни тозалаш ишларини тугалладилар. Жами 10700 куб метр ҳамдагидики сув йўллари тозаланди. Каттақонгли — Бронхўжа ариқларидан сувлар раvon оқа бошлади. Бу ишларни амалга оширишда ҳўжаликнинг Х. Бобоев, Ғ. Рўзиев, С. Бекмуродов, Я. Қаршиев бошлиқ бригадаларининг аъзолари мунособ ҳисса қўшишди.
* * *
У. САЙДОВ.
* * *
СУРХОНДАРЕ. Денов районидики «8 Март» колхоз пиллакорлари бу йил давлатга 10 тоннадан зиёд хом ашё етказиб беришга аҳд қилишган. Айни кунларда 41 гектар майдонига тулзор ҳамда йўл четига экилган 92 минг тул тул дарахлари яхши шик сугорилди. Уларнинг тағари юмшатилиб, ўғит берилди. Бу ишда У. Қўрбон-ов, О. Эшмирзаев, Х. Хўжам-бердиев, М. Бўриев бошлиқ бригадалар иборат кўрсатишди.
* * *
У. БЕКМУРОДОВ.
* * *
ҒАРҒОНА. Езёнов районидики Охун-бобоев номили колхоз меҳнаткашлари ўтган йил 1102 тонна ўғинга 1132 тонна сўт тайёрлашди. Тухун ва жун сўти ҳам яхши кўрсаткичларни эриштилди. Ҳар бир сингидан соғиб олинган сўт 2970 килограммининг ташкил этди. Эришилган бу ютқуқ М. Назарова, Х. Бедумоқова ва О. Тўхтинвалар қатта ҳисса қўшишди.
* * *
М. ТЕШАБОВ.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига

БЎСТОННИНГ БУЮК БОҒБОНИ

Тошкентда ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий (1441—1501) таваллудининг 550 йиллигини ўтказиш юбилей комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори А. Қанонов юбилейга тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берди.
А. Навоий тугилган кунининг 550 йиллигини ўтказишга доир тайёргарлик ишларига давлат, илм-фан, жамоат ташкилотлари кўшишилдилар. Матбуот давлат комитети Навоий асарлари ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди тўғрисидаги китобларни нашр этиш режаларини ишлаб чиқди. «Фан» нашрияти Алишер Навоийнинг 20 жиллик тула асарлар тўпламини ўзбек тилида нашр этишга киришди. Шу нашриётда Навоийнинг 15 жиллик асарлар тўплами Самарқандда Навоий яшаган ва ўқиган Абул Лайсий



МЕХНАТ АҲЛИНИ МАМНУН ЭТИБ

Хоразм область, Хазорасп районидики Карл Маркс номили колхоз территориясига қўйилган мансий хизмат уйи ходимлари қишлоқ аҳлига намуналик хизмат кўрсатиб, уларни ҳар доим мамнун этишга ҳаракат қилмоқдалар. Чебар тикучиликнинг қўн-лабчан ҳаридорларга манзур бўлаётир.
Яқинда мансий хизмат уйида яна бир янги цех ишга туширилди. Бу ерда иссиқ ки-йим, пўстинлар тикяла бошлади. Ҳозирнинг

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

«Ёш коммунист» — фаол тарғиботчи

Жиззах шаҳар партия комитети қошида ташкил этилган «Ёш коммунист» мунозара клуби бу ўзида 100 га яқин коммунист ва КПСС аъзоллигига номзодларни билиштирди. Клубнинг таъсис мажлисида унинг ўстирини ўрганишни ташкил этиди. аҳолининг партия ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганадилар.
«Ёш коммунист» мунозара клубининг фаолият программасида ёшлар билан ишлашга айланиш кўпроқ эътибор қаратилган.
Б. САТТОРОВ, «Совет Ўзбекистони» мух-бири.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

«Озарбайжон халқ fronti мудофаа комитети»нинг раҳбарлари бор. Тергов давом этмоқда. Тергов натижалари ҳақида хабар қилинади.
Ҳаммаси районда экстремистлар тўдаси сўнгги кунлар мобайнида аҳолини қон қашатиб маъинти бо-қиб олди. Корхоналар ва муассасаларни қамал қилди, ҳозир эса ҳарбий бўлинма ва ҳўқуқни муҳофаза этиш органлари бу ерда СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 15 январдаги фармонига биноан ҳаётини олатадиги йага солиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга солиш учун оралар қўришмоқда. 6 терорчи, жумладан маъинти бости-риб киришга тайёргарлик кўрган ва маъинти оёқ ости қилган икки киши уш-ланди. Тергов бошланди.
Одамлар ғаламисларини қораламоқдалар, уларнинг айлари билан фойда содир бўлди, қон тўқилди. Экстремист раҳбарларнинг йўл-

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий Комитетнинг секретари А. Н. Гиренко яқинда кунин Бокудан қайтиб келди. 30 январь кунин эса «Правда» газетаси тахрир ҳайъатининг мажлислар залда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда марказий комитетнинг ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. (ТАСС).

НАВОЙ ИЖОДИГА БАГИШЛАНГАН ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИН УЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЛИНМОҚДА

Навоий ижодида бағишланган илмий конференцияларни ўтказишга тайёргарлик қилинмоқда. Навоий тўғрисидаги энг яхши қўшиқлар ва мусяқа асарлари, ушбу асарларни жуда яхши ижро этганлик учун конкурс эълон қилинади.
Бутун республикамизда, иттифоқда ва автоном республикаларда, Москва ва Қашқардан шаҳар Ленинградда юбилей тадбирларини ўтказишга тайёргарлик қилинмоқда.
Шу билан бирга олиб борилаётган ишлар суръати етарли, амалиёт мажлисида таъкидланди. Жумладан, Самарқандда уй-музей, Тошкентда Навоий меъморий ёдгорлигини барпо этиш ма-саладорини ҳал қилиш қў-зилиб кетмоқда. Юбилей ўт-казиладиган вақтгача Тош-кентда Навоий номили дав-лат халқ кутубхонаси янги босини қўриш борасидаги ишлар қўриштирилиши зарур. Муҳокима чоғида бир қанча аниқ таклифлар киритилди. (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

ОНАЛАР МАМНУН

Тургунлик йилларида бепарволик, лоқайдлик туфайли хотин-қизлар саломатлиги жиддий зарар кўрганди.
Бугунги кунда Октябрь райони бўйича 175 нафар кам даромадли оилада кам-қонли ҳомиладор аёллар борлиги аниқланди. Уларнинг ҳар бирига кунига 180 грамм гўшт, 2,8 литр сўт ва сўт маҳсулотлари, бир дона тухум, 60 грамм сариёғ, 20 грамм қуруқ мева, 500 грамм сабзавот маҳсулотлари бериш юзасидан тадбирлар белгиланди. Шу муноса-бат билан район марказида махсус озик-овқат магазини очилди.

Райондаги камқонли ҳомиладор аёлларга 4,5 тонна гўшт, 68 тонна сўт ва сўт маҳсулотлари, 2500 дона тухум, 1470 килограмм сариёғ бериш учун 49 минг сўм, шунингдек, 750 нафар ҳомиладор аёлларни 50 кун давомида бепул дори-дармонлар билан таъминлаш учун 16,5 минг сўм маблағ акраптилди.
Қайта қўриш шароити ту-файли район мактабларидаги 3858 нафар бошланғич синф ўқувчиларига бепул но-нушта ҳам ташкил қилинди.

Райондаги камқонли ҳомиладор аёлларга 4,5 тонна гўшт, 68 тонна сўт ва сўт маҳсулотлари, 2500 дона тухум, 1470 килограмм сариёғ бериш учун 49 минг сўм, шунингдек, 750 нафар ҳомиладор аёлларни 50 кун давомида бепул дори-дармонлар билан таъминлаш учун 16,5 минг сўм маблағ акраптилди.
Қайта қўриш шароити ту-файли район мактабларидаги 3858 нафар бошланғич синф ўқувчиларига бепул но-нушта ҳам ташкил қилинди.

ЗАВОД МАҲСУЛОТИ—ЧЕТ ЭЛГА

Октябрь пахта тоза-лаш заводи 1983 йил-да ишга туширилган эди.
Шу ўтган давр мобайнида заводда ҳар йил 27 минг тоннадан ортиқ пахтага биринчи ишлов берилиб, 8 минг тонна атрафида тола олинмоқда. Бу тола шу пайт-гача Иттифоқимизнинг тур-ли регионларига жўнатилаёт-ган эди.

Янги йилдан бошлаб завод тарихида биринчи марта маҳсулот чет мамлакатларга экспорт қилина бошланди. Ҳозирги кунда завод маҳсу-лоти Югославия, Куба, Вьет-нам ва бошқа социалистик мамлакатларга жўнатилаёт-ган эди.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Район марказий қас-салхонасида беморлар учун яна бир қулайлик яратилди.

Шифохона қошида функ-ционал диагностика бўлими ташкил қилинди. Илгари бе-морлар турли шаҳарларга қатнаридилар. Эндиликда бу-нга ҳожат қолмади. Япония фирмаларида ишлаб чиқари-лган аппаратлар ёрдамида ош-қозон-ичак касалликларини аниқлашмоқда ва диагноста қўйилмоқда.

ҲАММА ҲИССА ҚУШМОҚДА

Район маркази — За-фаробод посёлкасида Улуғ Ватан уруши ўз-Афғонистонда байнал-миналлик бурчини ба-жариш чоғида ҳалок бўлганлар хотираси абадийлаштирилди.

Мемориал комплекс қу-ришга ва бу ерди меҳнаткаш-ларнинг зиёратгоҳи юнйга айлантиришга қарор қили-нди. Шу мақсадда СССР Аг-робонкининг Зафаробод бўли-мида 70902-жорий счёти очилди. Бу счёта алоҳида граждандар, ҳўжалик, корхо-на, ташкилот ва муассасалар маблағ ўтказмоқдалар. Ҳо-зиргача счёта 20 минг сўм-дан ортиқ маблағ келиб ту-шди. Пул ўтказиш эса давом этмоқда.
Э. СУВОНОВ, Сирдарё область Октябр райони. (ТАСС мухбири).

Янгиликдан хабарингиз борми? КОММЕРЦИЯ АХБОРОТИ МАЪЛУМОТЛАРИ БАНКИ



Бу ижодкорлар турли шаҳарларда, турли театрларда меҳнат қилишади. Лекин Тошкентга уларни бир мақсад, яъни театр санъатини юксалтиришга интилиш мақсади бошлаб келган.

Турсунои Солиева Қирғизистоннинг Ушў области театрида бир неча йилдан бери актриса бўлиб хизмат қилиб келади. Бадий коллективнинг аксарият аъзolari хариши асарларидаги бош ва хариш роллари худди шу санъаткор ижро этган. У ижрочилиқда ўзига хос аъналар яратган устоз. Ёш артистлар ўзинини кузатишга, Турсунои опа ижрочилиқга ўхшаш оригинал тақлипларнинг гувоҳи бўлса.

Таниқли санъаткор хизмат қилаётган театр Ўзбекистон ССР халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонига мурожаат этиб, унинг асосида мароқли спектакль санъатлаштирди. Коллектив Тошкентдан фестивалга таклиф ҳақидаги хабарни эшитиши биланоқ ҳеч иккиланмай «Жаннатга йўл» спектаклини анжуман қатнашчилари ва меҳмонларга кўрсатишга қарор қилди.

Тошкент фестивали катта имкониятдир, — дейди Т. Солиева. — Бу ерга таъриф буюрган санъаткорлар биринчи навбатда саҳна санъати олдига турган доллар муаммолар хусусида батафсил фикрлашиб оладилар. Айна вақтда ўзаро таъриба алмашадилар. Ёш санъаткорларнинг таниқли артистлар ижрочилигини кўриб, ибрат олишлари ҳам, уларнинг маҳоратларини, аъналарини ўрганишлари ҳам айна муддао. Виз фестивалда меҳмон сифатида қатнашаётган бўлсак ҳам, ўзимизни ҳамкасбларимиз даврасида бемалол ҳис этиб, спектаклни кўришга ҳавола этилгандай намойиш қилишга интиламиз. Биз учун энг муҳими — спектакль ҳақида ўзбекистонлик қадрдонларимизнинг, атоқли маданият арбобларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиш.

маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш.

Қорақалғистондаги Станиславский номидаги театр ўзининг оригинал спектакли билан автоном республикадагина эмас, балки бутун Ўзбекистонда, қолаверса, мамлакатимизда таниқли, Коллективнинг муваффақиятли ижодий фаолиятида драматург ва театр ҳамкорлиги, айниқса, режиссёрларнинг дадиллиги кўл келмоқда. Намийдин Ансатбоев театрининг ана шундай изланувчан саҳналаштирувчиларидан. Унинг раҳбарлигида яратилган «Эрназар олакўз» спектакли ҳозирги вақтда театр мухлисларининг энг яхши томошаси сифатида кутуб олинмоқда. Театр худди шу асарни Тошкент фестивали ҳакамлари назарига ҳавола қилди.

Куни кеча Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат Академик драма театри саҳнасида намойиш

этилган бу асар тарихий, маънавий ва воқеаларни ҳаяжонли акс эттирилганлиги, актёр ва актрисалар ўзларига топирилган ролларни қизиқарили, томошабинни тўқинларидангина даргадга таъқин қилганлиги билан залга йирилганларнинг оқлишига сазовор бўлди.

Тошкент фестивалидан умидимиз катта, — дейди режиссёр Н. Ансатбоев — Шу боисдан бу ерга бир йўла иккита спектакль билан келдик. «Умирбек олакўз» деган иккинчи асаримиз конкурдан таъқини кўрсатилади. Ишончимиз комилки, дўстларимиз иккала спектаклимиз ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини айтишлари.

Фестивалнинг бориши ҳақида нима дейсиз? — Анжуман ўз вақтида, кутилгандай тانتанали, байрамона кайфият билан очилди. Коллективлар ҳеч қандай муаммоларсиз белгирилган жойларда — театрларда ўз спектаклларини

намоиш этишяпти. Қўрсатишга асарлар юзасидан бўлаётган муҳокамалар ҳам ёмон ўтмапти. Биз учун мамлакатимиз театрларида айна кунларда кўрсатилаётган машҳур спектакллар ҳақида ҳикоят қилувчи махсус видеосалон ишлаб турибди. Учрашувлардан, мулоқотлардан кўп нарсалар олимпиада. Бу биринчи навбатда фестивал ташкилотчилари бўлган Ўзбекистон Театр арбоблари уюмиси ва республика Маданият вазириликнинг жонқурилиги тўғрисида. Ана шундай имкониятлар яратилади турганда уларга муносиб ижодий фаолият кўрсатмай бўладими?

Нукуслик режиссёрнинг фикрларига ҳамроҳанг мулоҳазаларни М. Горький номидаги Фарғона область ўзбек музыкали драма ва комедия театри актёри Олимжон Салимовдан ҳам эшитдик. Маълумки, унинг иштирокидаги «Темир хо-



тин» (Ш. Бошбеков асари) спектакли ўзгариш билан бош совиришга сазовор бўлган. Афсуски, голий театр бу галли анжуманда иштирок эта олмапти. Бу ҳақда актёр шундай дейди: Фестивалга ҳар қанча куллуқ қилсак арзийди. Биз унинг шарафати билан спектаклимизни ўрта Осиё республикалари ва Қозғоғистон театрларининг Қозғоғистон Нарўз фестивалида кўрсатишга мурожаат бўлдик. У ерда ҳам голий чиндик. Ижрочилигимизни, талантли драматург пьесасини москвалик талабчан санъат мухлислари даврасида ҳам намойиш этидик. Лекин бу галли фестивалга муносиб асар саҳналаштира олмадик. Саҳна шундан, театрлик ҳозир шундан, театрлик Биноси, мана икки йилликнинг ремонтдан бўшмапти. Ҳозир шаҳардаги маданият ўйларида биринчи хонасида ишлаб турибмиз. Фестивал кунлари Фарғона область ва шаҳар ижроия комитетларидан қолаверса, республика ҳукуматидан илтимос қилардики бизга моддий жиҳатдан ёрдам бериб, театримизнинг биносини ҳеч бўлмаганда яхшилаб, ўз вақтида таъмир қилиб беришга ёрдам беришса.

Актёрнинг эътирозлари ўрнили. Тўғри, пьеса бадийлиги, коллектив истеъдоди бўлса яхши спектакль яратилади. Лекин, барбир, етарли шарт-шароит яратилма, бундай муваффақиятга масса вақт ҳам эришшалайвермайди. Бу ҳақиқатини маст-ул ўртоқлар ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Фестивал давом этапти. Санъат мухлислари бир-бирдан мароқли спектаклларини кўриб завқланмоқдалар, инги талантларини кашф қилмоқдалар. Театр санъатининг қайта қўриш йўли, дан қандай бораётганлигини оғоҳ бўлмоқдалар.

Ю. БЕРДИЕВ.

Қорақалғистон АССРининг К. Станиславский номидаги музыкали театри Тошкент фестивалининг расмий программасида «Эрназар олакўз» тарихий драматик намойиш этиди. Драматург А. Оталиев пьесаси асосида саҳналаштирилган бу спектакль анжуман қатнашчилари, меҳмонлари ва санъат ихлосмандларида илқ таассурот қолдирди.

Суратда: «Эрназар олакўз» спектаклидан бир саҳна. М. НАЗАРОВ сурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССРдаги МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, ҚОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҲИСОБ-КИТОБ ВА СТАТИСТИКА ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

ШАРТНОМАВИЙ АЛОҚАЛАР АСОСИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎИИЧА ИШЛОВЧИ ИҚТИСОДИЕТ СОҲАСИ МУТАХАССИСЛАРИ ВА РАҲБАР ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ТАЙЕРЛАШ ҲАМДА ҚАЙТА ТАЙЕРЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

— иқтисодчилар, инженер-иқтисодчилар, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва тадқиқ этиш бўйича иқтисодчи-статистлар; — бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳўжалик фаолиятини таҳлил этишни ташкил этиш бўйича иқтисодчилар, бухгалтер-ревизорлар; — шахсий ЭҲМларда ишловчи операторлар ва программаловчилар.

Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш кундузги таълим тартибидеа амалга оширилиб, — уз ой давом этади; эъди; кечки ва сиртқи таълимлар — 10 ой давом этади. Ҳўш программасида 480 соатга ўзгазилган. Таълим базасига эга бўлмаган ва статистик ахборотларини ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган системаларини чўқур ўрганиш имконияти бўлмаган ССРда Статистика давлат комитети системасидаги мутахассислар учун 464 соатлик программа бўйича уч ой ва раҳбар ходимлар учун 310 соатлик программа бўйича иккинчи кундузи таълим ташкил этилади. Иқтисодий соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Ҳўш даври тутагач, битириб чиқувчиларга маълумот даражаси берилиб, белгилаган нусхадаги ҳўжжатлар топирилади.

ҚАБУЛ — 1990 ЙИЛНИНГ 1 МАРТИГАЧА.

Мутахассислар малакасини ошириш фақат кундузги таълим формасида 144 ва 216 соатлик программа бўйича, яъни 4 ёки 6 ҳафта мўдатда ичидеа амалга оширилади. Адрес: 700077. Тошкент шаҳри, Луначарский шоссе-си, 42-уй. (Черкас кўчаси томонидан қирилади). Справкалар учун телефонлар: 67-19-13, 67-24-62.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИЛИ

28 февраль соат 19.30 да

Мукарамма Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган

«БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Қаҳрамон ДАДАЕВ, Матмўра ЭҒАШЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Талъат САЙФУТДИНОВ, Светлана ТЎРСУНОВА, Гулнора ЖУРАЕВА, Дилор ЮНУСОВА.

Программани — Фотима ИКРОМОВА ва Рустамжон МИРЗАЛИЕВ олиб борадилар.

Музыка раҳбари — Мухаммадjon ШОКИРОВ.

Ансамблининг бадий раҳбари — ССР давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Рашидова ШАРИПОВА.

«БАҲОР» ансамбли азиз томошабинларга ўзининг янги программасини тавдим этади.

Сиз унда ўзбек, уйғур, тожик ва шарқ халқлари рақс ва кўшқларини тинглаб томоша қилишингиз мўмкин.

Справкала олш учун телефонлар: 39-46-09, 39-46-10. Касса 45-93-63, 45-92-13.

Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Театр

«Ўзбекконцерт» В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИЛИ 14, 15, 16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«ОЛАМНИ САҚЛАГ, ДЎСТЛАР»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Гулшарҳа ФОЗИЛЖОНОВА

Солистлар: Роза ҚУЛДОШЕВА ва Дадахон ҒАНИЕВ

Концертни сўз босари Машраб НАЗАРОВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да Таъдир эшиги (19.00), 2/II да Корюлан (19.00), 3/II да Мирзо Улуғбек (19.00).

МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да Мушкул савдо, 2/II да Мухаббат навоми, 3/II да Ана-уна совчилар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да Алвидо, ҳавт (19.00), 2/II да Паранни сирлари (19.00), 3/II да Шанба оқшони: Масаранин иши, Драма ан. терлари куйлайди, Фармонби. би араллади (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ. ДА — Польшанин «Варшава» цирнин ва совет цирни устала, цирнин гастроллари (19.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иқтисод институтини коллективни иқтисод фанлари номзоди З. Салоҳидиновга отаси

Салоҳидин ИРИСМЕТОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия наҳор қилади

Тошкент юридик техникуми коллективни техникум директорининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари И. В. Бекбулатовга онаси

Гулфия Алимова БЕКБУЛТОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия наҳор қилади.

СПОРТ

БОКС:

ИККИ ДАВЬОГАР

Луцк шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионатида мутахассислар қобилияти спортчиларни саралашга ҳаракат қилинди. Босис шу йил ёзда АКШнинг Тошкент билан бирдорлашган Сизил шаҳрида қароғай «Яхши ният ўйинлари» ўтказилади.

Республикалик вакиллари ана шу спорт анжуманида иштирок этиш ниятида кун синишлар. Чўночи, тошкентлик Артур Григорин 60 килограмм вазлик Босислар мусобақасида чемпионатнинг кўмуш медалини қўлга киритди. Унинг ҳамшарҳи — 75 килограмм вазлик Игорь Букин бронза медалини олди. Шундай қилиб, ҳозирча икки босисимиз халқаро мусобақада иштирок этишга давьвогар бўлиб турибди.

СУЗИШ:

СОВРИНЛИ УРИНЛАР

Голландияда ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик таниқли спортчи Сергей Заболотнов маҳорат кўрсатди.

Қанча сузш устаси 50 метрли масофани 26, 32 секундда босиб ўтган бўлса, 100 метрга ўтказилган мусобақада мўррага 57, 72 секундда етиб келди. Унинг бу натижалари халқаро мусобақанин кўмуш медалларини олишига имкон берди.

ФУТБОЛ:

МАВСУМГА ШАЯЛАНИБ

Тошкентнинг «Пахтакор» команди мавсумга шаяланиш ўртоқлиги учрашувларида тобига етказмоқда. Пахтакорчилар навбатдаги учрашувларини галаба билан якунлашди. Чўночи, Тошкентнинг «Транспорт» коллектив билан ўйнда 4:2 ҳисобида эъди. Пойтахт областининг «Политотдел» стадионидеа «Помир» футболчилари билан бўлган учрашууда эса битта тўп киритилди. Ун битта минутда пахтакорини И. Шавирин дарвозани ишонга олди. Эъди навбат Фарғонда бошланадиган мавсумдаги ўйинларига.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

1989 йил республика Ички ишлар министрлиги ходимлари учун энгил келмади.

Мен бу ўрнида фақат қўлда ҳодисалар, валак отиб кетган оғир жиноятлар назарда тутияман. Қандай бўлмасин, яна бир йил миллион учун ҳам ортда қолди. Шунинг учун бизни қизиқтирган

нинг нафақат саломатлигига, балки мол-мулкига зарар етказиш ҳам ортб борганлиги кўзга ташланмоқда. Шахсий мулкни ўғирлаш 35.5 фоизга ошди, шунингден 9 941 хонадонга ўғри тушди. Бу олдинги йилдан 25,7 фоизга кўндр. Рақамлар кишини безовта қилади. Чўнки улар

на, идора раҳбарлари иши кучи таниқлигига қарамай уларнинг хизматида юз кечинишди. Нагизада кўнда қолган ўтмиши қора кимса эски хўнарини ишга солиди.

Кейинги пайтда ичкилик бозликка қарши кураш ана сусайди. Бу ўз навбатида ичкилик билан босиб жиноятлар сонининг ўсди кетишига олиб келди. Маст ҳолатдаги кишилар 1988 йил 5.031 та, 1989 йил эса 6.941 та жиноятни содир этишди. Шунингдек, ёшлар тарбиясидаги камчиликлар ҳам жиноятчилик ўсишига зтамин яратмоқда. Балағатга етмаганлар томонидан қилинган жиноятлар сонин ўтган йил 18,7 фоизга ошди.

Жиноятчиликнинг илдам одимлашига олиб келаётган таъсирчан сабаблардан яна бири — кенг жамоатчилик лоқайлигидир. Ўтган йили одамлар гавжум жамоат жойларида 16.055 та жиноят қайд этилди.

Жиноятчиликнинг олдин олиш кўн жиҳатдан милиция ходимларига болғил. Шунинг учун республикамиз ички ишлар идоралари фаолиятини яхшилаш мақсадида қандай чоралар қўрилади?

— Албатта, фаолиятга таниқли баҳо бермасдан туриб жиноятчиликка қарши самарали курашини қийин. Биз хизмат бурчини ўташга панжара орасидан қараётган ходимлардан сарфимизни бетиҳўш тозалаб бормоқдамиз. Ўтган йили миллиция номига доғ туширган 471 ходим ишдан бўшатилади.

Шу билан бирга ходимларимизнинг мулқ қўчилиги халққа ҳалол ва виждонан хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг айримлари бу йўлда жонларини ҳам фидо қилишмоқда. 1989 йил республикамиз ички ишлар идоралари ходимларидан 14 нафарини ол олдидан бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлди.

Халқ олдидаги вазифамизини бажарини учун жулда кўп ишлар қилишимиз даркор. Бу йўлда биз ҳукуматимиз ва халқимиз мададини сезиб туришимиз. Шу йил январидадан бошлаб жиноятчиликка қарши курашининг олдинги марраларида турган ходимлар маошин сезиларли даражада ошди. Милицияни автотранспорт ва техника воситалари билан таъминлаш ана яхшиланди. Жойларда ҳўжалин, ташкилот, қорхоналар маблагин ҳисобига миллицияга иштарлар берилмоқда. Бу тадбирлар ўз натижасини бермасдан қўймайди. Бироқ жиноятчилик билан курашга кенг жамоатчилик ҳиссасини қўшаганига унинг самараси кучли бўлишини унутмаслик керак.

ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Самарқанд райондаги Охунбобоев номи қишлоқ Совети территориясидаги Пулимоғоб алоқа бўлимининг почтальон

Эргаш Қўрбонов 48 йилдириқ ўзи сўвган касбин ардоқлаб келмоқда. Уни қишлоқ ақли алоқида эътиром билан тилга олади. «Ўзбекистон» колхозининг 400 дан ортқ хонадонига деярли ҳар кун юзлаб газета, журнал, бандерол, хат элтб беради, юзлаб пенсионерлар, кўп болали оналарнинг пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тарқатиб хожатини чиқаради. Шу тўғайли унинг хизматидан ҳамма миннатдор.

Эргаш Қўрбонов Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси. 1943 — 1945 йиллар давомида, яъни ўн етти ёшдан Одер дарёсини кечиб, Берлингача борган жасур жангчи. Жанговар хизматлари учун орден ва медаллар билан мукофотланган.

Суратда: Эргаш Қўрбонов.

Ф. АЛИЕВ сурати.

ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА АСОС ЙЎҚ

«Бизнинг суҳбат

Иттифоқ бўйича жиноятчиликнинг аҳволи ҳақидаги рақамларни марказий матбуотда ўриб бормоқдамиз. Бу кўрсаткичлар ўтган йил натижаларига кўра республикамизда қандай бўлди!

М. АЗИЗОВ, Фарғона область Бағдоқ райони.

Бу саволга яавоб топши мақсадида жамоатчи муҳбиримиз Ф. Болтабоев республика Ички ишлар министрлиги ахборот маркази бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги Р. Й. Йўлдошев билан суҳбатлашди.

биринчи саволга ўтсак, Рихис Йўлдошевни, айтинчики жиноятчилик билан кураш якунлари республикамизда қандай бўлди?

— Дарҳақиқат, 1989 йил социалистлик қўнучилик муҳофазасида турган миллиция ходимларига ҳар томонлама мурақаб йил бўлди. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, руҳсат этилмаган митинг ва йиғинлар ўтказилди, миллий низо асосидан тўнашувларда қон тўкилди, жиноятчилик сонин тез суратларда ўсди. Хўллас, йил якуни хотирқамликка берилишга асос бўлолмади.

Келинг, республикамиз Ички ишлар министрлигининг ахборот маркази тайёрлаган йиллик маълумотномага қараб чиқайлик. Ўтган йили руҳхатта олинган жиноятларнинг жами 1988 йилдагига нисбатан 20,5 фоизга ўсиб, 84.459 тага етди. Катта таъвиш уьғотаётган жойн шунданки, оғир жиноятлар сонин бундан ҳам тез ортди. Қасдан одам ўлдирш (суицидс билан) 30,9 фоизга, қасдан оғир тан жароҳати етказиш 38,9 фоизга, талончилик 58,9 фоизга, босқинчилик эса 64,1 фоизга кўнайди.

Республика фуқароларини

ортда кўтилмаган фожиага дучор бўлган хонадонлар қайғуси ётибди.

— Ўтган йилнинг иккинчи ярмида Иттифоқ ва республика инқисодида миллиция нуфузини ошириш, жиноятчилик билан курашда унинг иккинчи янги кенгайтириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилинди. Шунга қарамадан жиноятчилик кечининг ўрнига фаолиятини қузайтириб юборди. Бунинг сабаблари нимада деб ҳисоблайсиз?

— Тўғри, ўтган йил СССР Олий Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини Бюроси, республика Олий Совети томонидан жулда яхши қарорлар ижрога қабул қилинди. Лекин улардан шу ваҳотти самара кўтини қийин. Шунга қарамадан ушбу қарорлар ижросини таъминлаш давомида жиноятчиликнинг ўсиш сурьатларини пасайтиришди. Ўсиш сабабларига келсак, улар қилма-қил. Ўтган йили сулданиб қиёдан шахслар 6 минг 516 та жиноятга қўл уришди. Бу 1988 йилдагига қараганда 31,2 фоизга ошди. Жаъо мўддатини ўтаб қайтатанларнинг қўчилиги ишга қоллашшида, янаш учун турар жой топшида қириналишди. Корхо-



«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартия Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, санаот, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиғи — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-54, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаво — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.